

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

А.Ғ. МИХЛИЕВ

**ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ
ТАФАККУРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ
(Ўқув қўлланма)**

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 372.893
КБК 74.266.3
M62

M62 А.Ғ.Михлиев. Ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантириш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 52 бет.

ISBN 978–9943–10–675–8

Мазкур ўқув қўлланмада замонавий шароитда ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини шакллантириш зарурияти, унинг янгича тафаккур тарзини таркиб топтириш билан алоқадор жиҳатлари, ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришнинг историографик хусусиятлари, фалсафий-антропологик ёндашувнинг ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришдаги имкониятлари, ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришнинг айрим методик жиҳатлари ҳамда ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини шакллантиришда харита билан ишлаш технологияси ёритиб берилган.

Қўлланма умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда педагогика олий таълим муассасаларининг тарих ўқитиш методикаси бакалавриат йўналиши талабалари учун мўлжалланган. Шу билан бирга, мазкур методик қўлланмадан педагогика соҳасида фаолият юритувчи барча мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Қўлланма «ИТД-4-122 – Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси доирасида яратилган.

УДК: 372.893
КБК 74.266.3

Масъул муҳаррир:
Б.Х.Ходжаев – п.ф.н., доцент

Такризчилар:

Фарид Юзликаев – педагогика фанлари доктори, профессор;
Анаргуль Калдибекова – педагогика фанлари номзоди, профессор

ISBN 978–9943–10–675–8

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

СЎЗ БОШИ

Маълумки, истиқболни белгилаш, келажак режаларини тузиш ва тараққиёт омилларини белгилаш учун ўтмиш кўзгу ролини бажаради. Ана шу «тафаккур маҳсули» орқали биз ўз инсоний моҳиятимизнинг, ақлу заковатимизнинг, қудратимиз ва салоҳиятимизнинг нималарга қодирлигини аниқ-равшан кўра оламиз. Тарих – халқ маънавиятининг асоси эканлигини қайд этган юртбошимиз И.А.Каримов шундай дейди: «Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриш учун инсонга албатта, тарихий хотира керак. ... Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир»¹.

Тарихий хотира эса, ўз навбатида инсонда тарихий тафаккурнинг шаклланишига олиб келади. Тарихий тафаккур инсоннинг тарихий воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, уларга баҳо бериш, аҳамиятини тушуниб етишга қобилиятлилигини белгилаб берувчи муҳим мезондир. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанлар орасида тарих фани алоҳида ўрин тутди. Чунки инсоннинг бутун ҳаётини яхлитликда қамраб олувчи мазкур фан унинг ўзини ҳам ҳар жиҳатдан ривожлана олишига, мустақил тафаккур юритиб, ҳаёт мазмун-моҳиятини англаб етишига тарихий онг, тарихий хотирани ҳосил қилиш орқали кенг имкониятлар яратади.

Тарих – нарса-ҳодисаларнинг хронологиясига доир ҳаққоний билимларни талаб этувчи аниқ фан. У кўпгина фанлар билан ўзаро боғланган. Бироқ улардан фарқли равишда жамият ривожланишини яхлитликда кўриб чиқади, ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисалари, уларнинг турли томонларини таҳлил этади. Тарихий воқеа-ҳодисаларни таҳлил этишда «инсон омили» нуқтаи назарини асос қилиб олади. Шунинг учун ҳам

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998. – Б.8-9.

«тарихга тўғри ёндашиш, уни тўғри тушуниб, тўғри тадқиқ этиш учун биз ўзимизни тарихий тақдирга қўшиб юборишимиз, унинг ичида яшашимиз керак. Ана шунда унинг тириклигини, яхлитлигини тушунамиз, бутун кўлами миқёси билан қамраб оламиз, моҳиятини англаб етамиз»².

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришда фалсафий-антропологик ёндашув имкониятларидан фойдаланиш кутилган натижаларга эришишга тўлиқ имкон беради. Мазкур ёндашувнинг асосини айнан бутун турмуш тарзини ўзида бор кўлами ва моҳияти билан акс эттирувчи қадрият сифатида инсон шахсига таяниш ташкил этади. Инсоннинг турмуш ҳақиқатини излаш жараёни аجدодлар тажрибаси, бугунги воқелик, ҳаёт, дунё билан ўзаро мулоқотга киришиши, ана шу асосда ҳаётнинг мақсад ва мазмунини англаб етишига олиб келади.

Замонавий шароитда геосиёсий жараёнларнинг ривожланиши, инсон онги ва қалби учун мафкуравий курашларнинг авж олаётганлиги уларга қарама-қарши тура олиш воситаси сифатида фалсафий-антропологик ёндашув имкониятларидан фойдаланиш орқали ўсиб келаётган авлодда тарихий тафаккурни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Мазкур қўлланмада замонавий шароитда ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини шакллантириш зарурияти, унинг янгича тафаккур тарзини таркиб топтириш билан алоқадор жиҳатлари, ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришнинг историографик хусусиятлари, фалсафий-антропологик ёндашувнинг ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришдаги имкониятлари, ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришнинг айрим методик жиҳатлари ҳамда ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини шакллантиришда харита билан ишлаш технологияси ёритиб берилган.

² Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.19.

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЎҚУВЧИЛАРДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ

Маълумки, мустақиллик йилларида республикамизда қўлга киритилган энг катта ютуқлардан бири тарихий хотирани тиклашга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши бўлди. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлака-тимиз фуқаролари, айниқса, ёшларининг тарихий хотирани тиклаш борасида олиб бораётган ишлари ҳар қандай таҳсинга сазовор. Уч минг йиллик буюк миллий давлатчилигимиз тарихи ёшларимиз учун ифтихор ва ватанпарварлик омилидир. Ижтимоий-тарихий ривожланишимизнинг ҳар босқичи халқимизнинг мустақиллик, эрк, озодлик учун яратиш ва тараққиёт сари ҳаракат даври эканлигини ҳам англаб етдик.

Файласуф олим А.Мавруловнинг фикрлари билан айтганда, энг муҳими ёшларимиз ҳақли равишда ўз тарихи, ота-боболар томонидан яратилган моддий-маънавий бойликлардан фахрланиш ҳуқуқига эга. Узоқ даврлар давом этган мустамлакачиликларга қарамасдан илм-маърифатли халқимиз яратиш йўлидан асло чекинмади³. «Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз саҳифаларида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамланган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади»⁴, дейди юртбошимиз И.А.Каримов.

Юртбошимиз мазкур масала юзасидан ўз фикрларини давом эттириб, «Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати

³ Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.34.

⁴ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998 – Б.3-4.

юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди»⁵.

Ана шундай буюк меросни ўрганиш орқалигина том маънода ёшлар маънавий қиёфасини шакллантириш мумкин. Бундай меросни эса фақат ва фақат тарих орқали ўзлаштириш мумкин. Чунки бундай меросни ўрганмасдан туриб, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларимизни муваффақиятли яқунлаш мумкин эмас. «Тарих ҳамма нарсага чидайди. Аммо ўзини сохталаштиришга асло чидай олмайди»⁶. Зеро, тарихни ўрганиш бизнинг тафаккуримизни чархлайди, ўтмиш тарихидан фахрланиш, йўл қўйилган хатолардан келажакда холи бўлиш имконини беради. «Тарихни ўрганиш – дейди XVIII асрнинг буюк немис маърифатпарвари Фридрих Шиллер, – ақлимизни нурлантиради, қалбимизни олижаноб фидойилик билан алангалантиради. У руҳимизни ахлоқий масалаларга пасткашлик ва бачканалик билан ёндашишдан сақлайди»⁷.

Янги тарихий давр маърифат даври, маърифатлилик даври сифатида вужудга келмоқда. Истиқлол ғоялари асосида бош ислохотчилик вазифасини бажараётган давлат одамлар онги ва тафаккурида туб бурилиш яшаш, ҳар қандай ислохотларни фуқаролар онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказиш йўлини танлади. Ана шу йўл одамларнинг ўтмишга, бугунги ва келажакка муносабатларини ўзгартириш, муайян манфаатларга ёндашиш психологиясини аниқлаш орқали аста-секинлик билан уларни маърифатли, комил инсон қилиб вояга етказишга олиб боради. Фуқароларнинг маърифатлилиги орқали маърифатли жамият барпо этилади.

Тарихий тафаккур маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Зотан, ўтмишни англаш, уни тўғри тушуниш орқали кишилар руҳиятида жиддий ўзгаришлар

⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.30.

⁶ Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.34.

⁷ Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.83-84.

ясашга, бу орқали ҳаётни, турмуш тарзини, охир-оқибатда эса жамиятни маънавий ислоҳ қилишга эришилади.

Сиёсий фанлар доктори, профессор Н.Жўраевнинг фикрича, тарихий тафаккурни шакллантиришнинг муҳимлиги қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

биринчидан, тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, инсоннинг инсонлигини англаш туйғуси шаклланади;

иккинчидан, тарихий тафаккур орқали бугунги ҳаёт мазмуни чуқурроқ тушунилади ва келажак фалсафаси дунёга келади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс сифатидаги феноменини вужудга келтиришга, феъл-атворининг шаклланишига хизмат қилади;

учинчидан, тарихни ўрганиш орқали ўз кадрлар қимматини, ўзлигини англайдиган, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган баркамол шахсни шакллантириш имконияти юзага келади;

тўртинчидан, аجدодлари буюк бўлган, жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган маданиятга дахлдор фуқаронинг қалбида ўтмишни ўрганиши орқали миллий ғурурнинг уйғониши мамлакат мустақил тараққиёт йўлини танлаган бир пайтда катта маънавий қудрат ва улкан ирода кучи бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда ўз ўтмишининг нақадар буюклигини англаган фуқаро аجدодлари руҳи олдида қарздор, келгуси авлод олдида ғоят масъулиятли эканлигини яна бир бор чуқурроқ тушунади. Ана шу англаш жараёни инсоннинг ўзини ўзи янгилашига, ўзини ўзи маънавий тозалашига, ўзини ўзи ислоҳ қилишига олиб келади;

бешинчидан, ҳар бир фуқарони маънавий-руҳий ва ахлоқий жиҳатдан янгилаш орқали жамиятни янгилаш, турмуш тарзини янгилаш каби ғоятда чуқур, кенг миқёсли ислоҳот амалга оширилади. Бу бугунги ислоҳотлар даврида амалга оширилаётган кўп қиррали ўзгартиришларнинг асосий омили сифатида кадриятга айланади. Зотан, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар бевосита инсон, онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказилган тақдирдагина унинг кадрлари ошади, самараси кўпаяди. Қолаверса, сиёсий, иқтисодий билим, ҳуқуқий онг

орқали маънавий-маърифий жиҳатдан янгиланган мустақиллик даври фуқароси шаклланади⁸.

Бундан ташқари, янгича тафаккур тарзининг шаклланиши учун тарихий тафаккур юрита олиш, тарих хатоларидан тўғри хулоса чиқара олишга ўрганиш лозим. Файласуф олим И.Каримовнинг фикрича, миллион йиллар давом этган бошқалар ҳисобига яхшироқ яшаш учун ҳарбий юришлар уюштириш майли етакчи бўлиб қолди. Натижада шундай тафаккур тарзи ва у билан боғлиқ равишда турмуш тарзи қарор топдики, бунга кўра олғирлик, босқинчилик, ёвузлик, тошбағирлик яшаш учун курашнинг воситаларидан бирига айланди. Бошқача айтганда, «мен яхши яшашим учун бошқалар ёмон яшаши шарт» деган қараш тафаккур тарзига айланди⁹.

Албатта, бугунги кунда бундай тафаккур тарзини ўзгартириш учун умумпланетар ҳалокат муқаррарлиги, аммо унинг олдини олиш имконияти борлиги кучли, таъсирчан мафкура воситалари орқали тушунтирилса, бунинг учун тарихий воқеликнинг инсоният ҳаётидаги тутган ўрни бутун моҳият эътибори билан чуқур таҳлил этилса, даврнинг Бош зиддиятини мувафаққиятли ҳал этиш имконияти юзага келади.

Республикамизда ҳам мазкур муаммони ҳал этиш, ўсиб келаётган авлодда янгича тафаккур тарзини қарор топтириш мақсадида миллий маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуроноунинг фикрича, ҳар бир миллий маданият – умуминсоний кадриятнинг муайян кўринишидир. Чунки инсоният – бу халқлар, миллатлардир. Ана шу нуқтаи назардан миллий тарбия – ҳар бир инсонни ўз миллий маданияти манбаида, яъни муайян умуминсоний кадрият асосида шакллантириш жараёнидир; ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида турли ижтимоий ролларни ўтайди. Бу роллар мазмуни, кўлами, намоён бўлиш жабҳалари илк ёшлардан бошлаб кўпайиб, кенгайи, мураккаблашиб боради. Ана шундай туғма ва илк ўзлаштирилувчи ижтимоий роллардан бири – шахснинг миллий ролдир; аслида динлар, миллатлар орасида зиддият учун ҳеч

⁸ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.17-18.

⁹ Каримов И. Ноосфера: геосиёсат ва мафкура. – Т.: «Фан», 2007. – Б.99-100.

қандай асос йўқ. Жаҳонда динлар ва миллатлар орасида бўлиб ўтган зиддиятлар айрим уламолар, сиёсатчиларнинг ўз мақсадларига эришмоқ учун дин, миллат номидан иш кўришга чақириқлари ва инсониятнинг уларга эргашиб йўл қўйган хатоларидир; халқлар, миллатлар мавжуд экан, миллий тарбия жараёни бизнинг хоҳишимиздан ташқари равишда, маданий детерминизм асосида давом этаверади¹⁰.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, янгича тафаккур тарзининг қарор топиши ва тарихий тафаккурни шакллантириш ўртасидаги алоқадорликни қуйидагича кўрсатиб бериш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

Янгича тафаккур тарзининг қарор топиши ва тарихий тафаккурни шакллантиришнинг ўзаро алоқадорлиги

Янгича тафаккур тарзини қарор топтиришнинг асосий йўналишлари	Тарихий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари
1. Шахсда ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз истиқболини эркин танлай олиш ҳиссини қарор топтириш.	1. Тарихни англаш орқали инсоннинг ўз-ўзини англаш туйғуси шаклланади.
2. Одамлар онги ва тафаккурида туб бурилиш ясаш, ҳар қандай ислохотларни фуқаролар онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказиш йўлини танлаш.	2. Тарихий тафаккур ўқувчида бугунги ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушуниш, келажакка ишонч билан қарайдиган шахс сифатларининг шаклланишига хизмат қилади.
3. Ўз шахсий манфаатлари билан жамият манфаатларини уйғунлаштира олиш, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан лоқайдлик ва бепарволикни йўқотиш.	3. Тарихий тафаккур ўқувчини тарихни ўрганиш орқали ўз кадр-қимматини, ўз-ўзини англаган, ижтимоий фаол шахс сифатида шаклланишга даъват этади.
4. Ота-боболар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни ўрганиш орқали то маънода ёшлар маънавий қиёфасини шакллантириш зарурияти.	4. Буюк меросни фақат ва фақат тарих орқали ўзлаштириш мумкин. Зеро, тарихни ўрганиш ўқувчининг тафаккурини чархлайди, ўтмиш тарихидан фахрланиш, йўл қўйилган хатолардан келажакда холи бўлиш имконини беради.
5. Соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантириш орқали фуқароларда	5. Ўтмишни тиклаш, тарих ҳақиқатини англаш орқали ўқувчи ўз

¹⁰ Қуронов М. Миллий тарбия. – Т.: Маънавият, 2007. – Б.28.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/681> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/681> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/681>